

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 53-ҳадис

53 – عَنْ أَنَسٍ، قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَبِي بَكْرٍ، وَعُمَرَ، وَعُثْمَانَ، فَلَمْ أَسْمَعْ أَحَدًا مِنْهُمْ يُقْرَأُ: بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ.

[خ 743، م 399، ت 782، د 902، س 246.]

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр, Умар ва Усмонлар билан бирга намоз ўқидим. Улардан бирортасининг «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни ўқиганини эшитмадим».

Ином Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишиган.

Изоҳ: Ином Муслимнинг бошқа ривоятида қуидагича келган:

Қатода менга мактуб ёзиб, Анас ибн Моликнинг қуидаги сўзларини айтган: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр, Умар, Усмонларнинг ортларида намоз ўқидим, улар «Алҳамду лиллаҳи Роббил ааламийн» билан намозни бошлишар, қироатнинг аввалида ҳам, охирида ҳам «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни айтишмас эди».

Манба: hadis.islom.uz



